

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Абдуманнотов А. Самарқанл ДУ доценти
Худойқулов Ж. СамДУ магистранти*

Ушбу мақолада педагогика коллежи талаба ёшларини инсонпарварлик кишиларнинг маънавий-инсоний камолотга олиб бориши, ҳамда Алишер Навоий мероси асосида миллий ғурурни шакллантириш ҳақида фикр юритилган.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири-бу Алишер Навоий бобомиздир... Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги, буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу-шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”, -деб таъкидлаган эди.

Сабаби мутафаккир асарларининг ҳар бир саҳифасида халқ, эл-улус, юрт, раият деган сўзларнинг, меҳр-мурувват, оқибат, саховат, садоқат сўзлари билан боғланиб кетганлигини кўрамиз. Ҳозирги кунда ёшларимизни шу жумладан, бошланғич синф ўқувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда буюк мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг маънавий-ахлоқий меросидан фойдаланишга эҳтиёж сезилмоқда. Алломанинг маънавий мероси қалбларимизни, руҳиятимизни тозалайдиган, поклайдиган ва иймон-этикодимизни мустаҳкамлайдиган “маҳак тоши”дир. Навоий бобомизнинг бутун ҳаёти ва фаолияти инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро низоларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишланган. Шу боис, мутафаккирнинг маънавий меросини бошланғич таълим педагогикаси нуқтаи назаридан ўрганиш давр талабидир.

Педагогика фанининг изохли луғатида инсонпарварлик-(инсон-арабча; парвар-форсча; лик-ўзбекча) кишига ғамхўрлик, гуманизм, одамзотнинг қадри, унинг эркинлиги, қобилиятларини ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, одамзотнинг бах-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётни ташкил этишга интилиш, инсонийликнинг барча томонлари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади, -деб кўрсатилган.

Инсонпарварлик кишиларнинг маънавий-инсоний камолотга олиб борувчи сифтлардан бири. Бу сифат инсон қалбининг софлиги ва поклигига асосланади. Инсонпарварлик ғояси аслида инсоннинг ички ва ташқи дунёсининг маънавий-ахлоқий уйғунлашуvidан иборат.

Ҳақиқий инсонпарварлик сифатлари инсонларни қадрлаш, эъзозлаш, ҳурмат қилиш, вафо, виждоний муносабатлар инсоннинг ўзини англашдан бошланади. Чунки инсон маънавий, руҳий, ҳиссий сиймо бўлиб, унинг асл моҳияти маънавий-инсоний сифатлари билан белгиланади. Ўз фаолиятида инсоний сифатларга амал қилмаган кишида маънавий-руҳий қашшоқлашиш бошланади, дастлаб руҳни кейинчалик жисмоний тан хасталигига олиб келади. Эзгу ният, эзгу ишлар эса қалб гўзаллигидан бошланади.

Инсонпарварлик ғоясини ривожлантириб ўз асарлари ва фаолиятига тадбиқ қилган инсонлардан бири буюк мутафаккир Алишер Навоийдир.

Алишер Навоийнинг асарларида инсон эркинлиги, унинг кадр-қиммати, инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган. Ҳазрат Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг муқаддимасида

*Мунча гароибеки, мисол айладинг,
Борчани миъроти жамол айладинг.
Ганжнинг аро нақд фаровон эди,
Лек, боридан гараз инсон эди.*

Инсон барча мавжудодлар ичида энг баркамол, энг улуғдир. Яратгувчининг гўзаллиги-кўзгуси бўлмиш жаҳон инсон учун яратилган. Мазкур фикрлар муҳтарам юртбошимизнинг ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон ва унинг манфаатлари учун ғояси билан уйғунлашиб кетади, десак муболаға бўлмайди.

Навоий инсонни улуғлар экан унинг бошқа мавжудодлардан фарқи, имтиёзи сўзда эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам инсондан бўлак зот сўзлашиши имкониятига эга эмас.

*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳавондин анга имтиёз.*

Шу ўринда навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга уруниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабоҳат эканлигини Навоий ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Шунинг учун мутафаккир бутун ижоди давомида “Сўзда Навоий, не десанг чин дегил”, деган талабдан чекинмаганлигини таъкидлайди.

Мутафаккир ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” достонида одоб-ахлоқ масалаларига тўхталиб:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,

Лек шараф келди ҳаёв-у адаб.

Яъни инсоннинг мансаби, насл-насаби эмас, балки одоби, ҳаёни улуғланишни таъкидланган.

Шунингдек,

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,

Улки кичикроқ анга шафқат керак

Яъни, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш ғояси илгари сурилган.

Ота-онани ҳурмат қилиш тўғрисида

Сўзларидин чекма қалам таиқари,

Хатларини қўйма қадам таиқари.

Ота-онангнинг ҳурмати жойига қўй, икковининг хизмати бирдек бажар. Отанг қошида бошингни фидо қил, онангнинг бошига жисму жонни фидо қил. Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, иккиласини ҳам рози қил.

Навоийнинг маънавий-ахлоқий қарашларида одамийлик асосий ўринда туради. Мутафаккирнинг фикрича ўзидан бошқаларни тан олмайдиган, бировнинг ташвишига шерик бўлмайдиган, фақат шахсий манфаатини ўйлайдиган инсонларни ҳақиқий одам деб бўлмади.

Одамий эрсанг, демагил одамий,

Онки йўқ халқ ғамидин ғами.

Инсон ҳақиқий инсон бўламан деса ўз бойлигини бошқалар билан баҳам кўриши лозимлигини таъкидлаган.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари ўқувчиларда жумладан, бошланғич синф ўқувчиларида кичик ёшдан бошлаб сингдириб бориш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Педагогика коллежи ўқувчиларига Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, миллий ғурур каби ғояларни сингдиришда педагогика, психология, адабиёт, она-тили, ўзбекистон тарихи, миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, нутқ маданияти каби ижтимоий гуманитар фанларнинг имкониятлари етарлидир.

Ўзининг бутун ҳаётини эл, улус раият, халқ манфаатларига бағишлаган илм-фан, маданият, меъморчилик, ободончилик, ишларига сарфлаган миллатимизнинг сўнмас қуёши, маънавиятимизнинг пири комил ҳазрат Алишер Навоий билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юрагида ўти, билагада кучи имон-эътиқоди бутун ёшларимизнинг қалбида Навоийнинг инсонпарварлик ғояларини шакллантириш, уларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилади.

Педагогика коллежидаги ўқув –тарбиявий жарёни урганганимизда Алишер Навоий мероси асосида коллеж ўқувчиларида инсонпарварлик,

миллий ғурурни шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозимлигини англадик:

-Мутафаккир мероси асосида педагогик коллеж ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришга оид услубий қўлланма ва тавсияларга эҳтиёж бор;

-Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришда дарс жараёнида педагогика ва авхборот технологиялардан фойдаланишга эътиборни қаратиш лозим;

-Навоийшунос олимларнинг ўқувчилар билан учрашувларини мунтаззам йўлга қўйиш;

-Маънавият соатларини имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

-Аудиториялардан ташқари ўқишнинг имкониятларидан етарлича фойдаланиш;

-Алишер Навоий номи билан боғлиқ вилоят, туман, таълим муассасалари, музей, истироҳат боғлари, кадамжоларга саёҳатлар уюштириш ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилади.

Худойқулов Ж. СамДУ магистранти

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Респукаси Олий ва ўрта махсус, таълим вазирлиги Навоий вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси Навоий кончилик коллежи

Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишланган

“Алишер Навоий маънавий меросини ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги VI анъанавий Республика илмий –амалий конференцияси материаллари

Навоий 2015 йил, 58-60 бетлар

ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ОТА ОНАЛАРНИ ТАЁРЛАШ

Худойқулов Ж. СамДУ 2-босқич магистранти

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Оилани моддий, маънавий ва ижтимоий ривожлантирмай жамиятни, мамлакатни ижтимоий ривожлантириш мушкул. Бу ҳақда юртбошимиз И.Каримов «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор»¹ - деб ўринли таъкидлаган. Шундай экан оилада соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш оила ҳаётининг долзарб муаммоларидандир.

Оилада соғлом турмуш деганда оила аъзоларининг маълум режим асосида меъёрида экологик сифатли танаввулланиб, жисмоний чиникиши, сиҳат-саломатлиги таъминланиб, оиланинг моддий имкониятини ошириб, узок умр кўриб муносиб ҳаёт кечириши деб тушуниш мумкин. Оилада соғлом турмушни амалга ошириш ота оналар зиммасига юклатилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддасида «Ота-оналар ўз болаларини боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар»² - деб белгиланган. Ушбу ижтимоий масъулиятни бажаришди ота-оналар болаларини соғлом тарбиялашда, соғлом турмуш тарзининг оила ва мамлакат ҳаёти учун моддий, иқтисодий, ижтимоий ва амалий аҳамиятини англаб етишлари бағоят муҳим.

Руҳий кўтаринкилик оила аъзоларида соғлом теран фикрлашни келтириб жисмоний ҳаракатни юзага келтиради. Жисмоний ҳаракатланган инсон эса ҳаракатсиз инсонга нисбатан чиниқади ва организмда қон ва модда алмашилиши яхшиланади ва инсон соғлом бўлади. Шунинг учун оила аъзоларининг жисмоний ҳаракатчанлигига эришиш уларнинг сиҳат-саломат бўлишига оиланинг моддий имкониятини оширади ва оиланинг иқтисодий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008. 58-б.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2010. 12-б.

барқарор бўлишига хизмат қилади. Иқтисодий барқарор оила ўз аъзоларида соғлом турмушни амалга ошириш имконига эга. Ҳаракат қилмайдиган оилаларда бу имконият бўлмайди, йўқолади ва оилада соғлом турмуш амалга ошмайди. Бундан ҳам оила, ҳам мамлакат зарар кўради. Иқтисоди барқарор оиланинг маблағи оила аъзоларининг меъёрида сифатли танавулланиб маданий яшашга ҳамда муносиб ҳаёт кечиришни таъминлайди. Муносиб ҳаёт оила аъзоларининг жисмоний чиниқиши уларнинг сиҳат-саломатлигини жисмоний ҳаракатчанлиги эса узоқ умр кўришга олиб келади.

Бизнингча оилада соғлом турмушни амалга оширадиган асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- оила аъзоларининг тартибли, сариштали ҳаёт кечириши;
- оила аъзоларининг меъёрида сифатли танаввулланиши;
- оила аъзоларининг жисмоний машқланиши ва чиниқиши (эрталабки машқ ва кечки сайр);
- оила аъзоларининг шахсий гигиена ва тиббиётга амал қилиши;
- оила аъзоларининг даромади ва иқтисодини барқарорлигини доимо узлуксиз таъминлаш;
- оила аъзоларининг таълим-тарбиясини, жисмоний ривожланишини ташкил қилиш;
- оила аъзоларининг сигарета, нос чекмаслик, спиртли ичимлик ичмаслик ва наркотик моддаларни истеъмол қилмаслик;
- ота-оналарнинг оилада соғлом турмушни бошқариш ва бошқалардан таркиб топиши мумкин.

Юқоридагиларнинг барчаси оилада соғлом турмуш тарзини ташкил қилади. Соғлом турмушнинг барча йўналишлари ўзаро узвий боғланган бўлиб бир-бирини тўлдиради ва оилада соғлом турмушни ташкил қилади. Масалан, оилада жисмоний машқланиш ёки оила даромади ва иқтисоди барқарор бўлмаса, бошқа йўналиш ва мақсадлар амалга ошмайди.

Оилада соғлом турмуш тарзини амалга ошириш учун ота-оналарнинг маъсулияти ва саъйи ҳаракатини ташкил қилиш, ошириш ва таъминлаш зарур. Ота-оналарнинг оиладаги саъй ҳаракатини ташкил қилиш ҳақида машҳур ўзбек педагоги Абдулла Авланий «Сиҳатимиз, саодатимиз, сарбатимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, ал-ҳосил бутун ҳаётимиз ҳаракатларимизга боғлиқдир. Ҳаракатли кишилар тезгина мақсадларига

етурлар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб хорликда қолурлар»³, -деб билдирган фикрига риоя қилиш объектив зарурат бўлиб қолди. Чунки оила ҳаётининг барқарор бўлиши ота-оналарнинг бевосита саъй ҳаракатига боғлиқ десак тўғри бўлади. Шунинг учун оилада соғлом турмушни таъминлаш учун аввало ота-оналарнинг оила ҳаётидаги саъй ҳаракатини ташкил қилиш амалий аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатда ота-оналарни соғлом турмушга тайёрлашда икки йўналишда ишлаш зарур. **Биринчи йўналиш** ота-оналарнинг оилада соғлом турмуш ҳақида илмий билимлар билан бойитиш яъни билимлар заҳирасини ташкил қилиш; **Иккинчи йўналиш** ота-оналарда таркиб топган билимларни оила шароитида тадбиқ қилиш билан боғлиқ ишларга ўргатишдир.

Албатта ота-оналарга соғлом турмуш ҳақида билим бериш ва уни тадбиқ қилишга ўргатиш осон иш эмас. Аммо оилада ота-оналарнинг ҳозирги ҳолати буни амалга оширишни тақазо этмоқда. Ота-оналар оилада соғлом турмушни таъминлашда оила аъзоларининг озиқ-овқати, кийиниши, уй жиҳозлари, маданий моллар, коммунал хизмат, дам олиш, ўқиш, меҳнати, транспорт ҳаражати, саёҳатга бориш, меҳмон кутиш, тўй ўтказиш, доридармон, енгил машинага эга бўлиш, уйни таъмирлаш, боғ ва чорвани ташкил қилиш каби бошқа эҳтиёжларни ҳисобга олиши керак. Яна ота-оналар оиланинг бир кунлик, ҳафталик, ойлик ҳаражати қанчалигини ва улар қайси соҳа ва тармоқларидан қопланишини билиши мақсадга мувофиқ. Оиланинг юқоридаги эҳтиёжларидан энг муҳим ва зарур бўлган эҳтиёжи оила аъзоларининг озиқ-овқат эҳтиёжидир. Ана шу эҳтиёж оилада доимо узлуксиз ва барқарор бўлиши амалга ошириш шарт.

Бошқа эҳтиёжларни оила шароитидан келиб чиқиб кейинга суриш ёки вақтинча тўхтатиш мумкин. Оила аъзоларининг соғлом турмуши учун озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини меъёрида сақлаш шарт. Ота-оналар оиланинг барча эҳтиёжларини амалга ошириш учун оила ҳаётида ҳаракатчан бўлишлари лозим.

³ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: «Ўқитувчи», 1992 йил, 33-б.

Соғлом турмуш таъминланган оилада оила аъзоларининг ҳаёти тартибли ва сариштали ташкил қилинади. Оилада улғаяётган ёш авлод жисмонан соғлом, ақлан зийрак, соғлом фикрлайдиган, тўғри хулосага келадиган, оила ва жамият манфаатлари учун меҳнат қиладиган ахлоқ ва маънавий сифатларини таркиб топдирган ҳаракатчан, иродали инсон бўлиб тарбияланади.

Ҳаракатчан ота-оналар оила аъзоларининг жисмоний чиниқишига эришиб, оиланинг моддий имкониятини ошириб, иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Оиладаги иқтисодий барқарорлик оила аъзоларида моддий манфаатдорликни ошириб руҳий кўтаринкиликни юзага келтиради ва ўзларига бўлган ишончни таркиб топдиради. Руҳий кўтаринкилик оила аъзоларида соғлом теран фикрлашни келтириб, жисмоний ҳаракатни юзага келтиради.

Шундай қилиб, оилада ота-оналарнинг соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш, ошириш, оила аъзоларининг жисмоний чиниқиши, моддий имкониятини ошириш, сиҳат-саломатлиги, муносиб турмуш кечириши, узоқ умр кўришни таъминлаш шунингдек, оилалар турмушини барқарорлаштириш, мамлакат аҳолиси моддий ҳаётини юксалтиришнинг пойдевори бўлмоғи зарур. Оила соғлом турмуш тарзи, мамлакат оилалари турмуш тарзини соғломлаштиришнинг зарурий шarti бўлмоғи даркор.

Худойқулов Ж. СамДУ 2-босқич магистранти **Оилада соғлом турмуш тарзига ота оналарни таёрлаш.** “Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёти сифатини юксалтиришда хизмат курсатиш соҳасини ривожланитиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика анъанавий илмий –амалий конференцияси материаллари Самарқанд 2015 йил 20-21 февраль , 35-38 бетлар.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

Ж.Худойкулов, СамДУ

Мустақиллик йилларида ёш авлод қалбига она-Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, миллий ғурур-ифтихор туйғусини сингдириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аслида ҳам миллий ғурури бор, иймон-этиқоди бутун инсон эл-юрт ҳамда халқ тақдири учун қайғуради, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмайди. Шу боис, ёшларимизда миллий ғурурни шакллантириш, уларда халқимизга, ота тилимизга миллий тарихимизга, урф-одат ва анъаналаримизга, миллий маданиятимизга меҳр-муҳаббатни шакллантириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири.

Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғатида миллий ғурур тўғрисида қуйидаги фикрлар билдирилган:

-“Миллий ғурур ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир. Миллий ғурурли инсон ўз элига жонкуяр бўлади, унинг муваффақиятларидан ич-ичидан фахрланади, қувонади. Миллий ғурури мустаҳкам бўлган миллат вакилларининг бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Бундай миллатни курул кучи билан енгиш мумкин эмас, уни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам енгиб бўлмайди... Ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодларимиздан қолган тақрорланмас, бой моддий ҳиссалардан, уларни чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоат ва мардликларидан фахрланади, ҳамда уларнинг анъаналарини давом эттириш руҳиятига эга бўлади” (2.142-144 бетлар).

Фалсафа қомусий луғатида-миллий ғурур туйғуси қуйидаги шаклларда намоён бўлиши таъкидланган:

-“Миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига қонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, кадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатни амалий фаолиятда намоён қилиш; ...мустақиллик кишилар миллий ғурури ошириб, уни халқ, Ватан, аجدодлар хотираси олдидаги масъулиятини ҳис қилишдек, мазмун билан

бойитмоқда; Бундай шароитда ватанимиз мустақиллигидан фахрланиш, мамлакатимизда озод, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, универсал технологиялардан фойдаланиш, миллий ғурурни оширадиган омиллардир; Бу эса ўз навбатида юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларни ўзларича соғлом миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади”, де кўрсатилган (3.271-272 бетлар).

Файласуф олим Жандар Туленов “Ҳаёт фалсафаси” китобида “... миллий ғурур ҳар миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳимоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий иникосидир” деб таъкидлаган (4.233-234 бетлар).

Эл суйган адиб Ўткир Хошимов “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобида “Миллий ғурур-миллатчилик эмас. Миллий ғурури бор одам бағри кенг бўлади. Ўз миллати билан фахрланади, аммо ўзга миллатни камситмайди. Миллатчилик-миллий ғурур эмас. Миллатчиликнинг феъли тор бўлади. Нукул ўз миллатини улуғлаб, ўзга миллатни камситади”, - деб эътироф этган (5.5 бет).

Ўтмишга назар ташласак буюк мутафаккир олимлар Имом Бухорий, Мотурудий, Форобий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Маҳдуми Аъзам, Бобораҳим Машраб, Огаҳий ва бошқалар турли даврларда халқ маънавиятини соғлом ҳолда сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Улар халқимизни миллий ғурур ва ифтихор асосида тарбия қилиб, уларнинг қалбини сохта ғоялардан ва қарашлардан ҳимоя қилишган.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов асарларида шахсда миллий ғурур туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, юртбошимиз ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида “Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади, ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини, миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсон, ўз ватанининг жонқуярини тарбиялаш мумкин эмас”, - деб таъкидланган (1. 12-13 бет).

Педагог олимлардан М.Иномова, С.Булатов, М.Қуронов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқовларнинг илмий-тадқиқот ишларида шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш масаласида, уларда миллий ғурурнинг шаклланганлиги муайян даражада ўрганилган.

Педагогика фанлари доктори Д.Рўзиева “Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишида олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганган.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири. Сабаби Республикамизда бугунги кунда 1400 га яқин касб-ҳунар коллежлари фаолият кўсатмоқда. Бу илм даргоҳларида 1,5 млн.га яқин ўқувчилар сабоқ олишмоқда ва турли касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Бошқача айтганда, касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган ўқувчилар мамлакатимиздаги ёшлар қатламининг салмоқли қисмини ташкил этади.

Бу ёшдаги ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш келгусида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, оан юртга садоқат, заминимизга меҳр-муҳаббат, бой тарихимиз, маданиятимиз, она тилимиз билан фахрланишга замин яратади.

Шунинг учун касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмун ва моҳиятининг етарли даражада ўрганилиши ва такомиллаштирилиши;
- Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурат эканлигини аниқлаш;
- Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш;
- Дарс жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш йўллариини ишлаб чиқиш;
- Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини ёритиш;
- Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол методлардан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларнинг ўрни етарли даражада ўрганилиши, таҳлил этилишига эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу вазифалар етарли даражада ўрганилиб, амалиётга тадбиқ этилса, баркамол авлодни тарбиялашдек давлат буюртмаси бажарилган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли –Т.: Шарқ, 1996, 12-13-бетлар.
2. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғати – Т.: Шарқ, 1998, 142-144-бетлар.
3. Фалсафа қомқсий луғати. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) – Т.: Шарқ, 2004, 271-272-бетлар.
4. Ж.Туленов Ҳаёт фалсафаси – Т.: Ўзбекистон, 1993, 233-234-бетлар
5. Ў.Хошимов Дафтар хошиясидаги битиклар – Т.: Шарқ, 2006, 5-бет.

Ж.Худойкулов СамДУ магистранти

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти. “Ўқувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг узлуксизлиги муаммолари ва ечимлари” Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд 2014 йил 21-22 ноябрь. 357-359 бетлар

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШДА АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ

*А.Абдуманнотов СамДУ доценти
Ж.Худойқулов СамДУ магистранти*

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Тарих ҳақиқати шуни кўрсатмоқдаки, томирда миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади”, -деб таъкидлаган эди. (1.90).

Педагог олим Б.Зиёмуҳаммедов “Ҳар қандай одамда инсоний ғурур бўлади. Бу киши ўзини онгли мавжудод сифатида ҳис қилишдан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил бажарилган ҳаракатидан, ишидан, фаолиятидан мамнун бўлиши орқали намоён бўлади. Буни инсоний ғурур дейилса, ўзини маълум бир халққа, миллатга тааллуқли эканлигидан қониқиш ҳис этиш, мамнун бўлиш, миллий ғурур дейилади. Бу ижтимоий сифат киши фаоллигини оширувчи асосий омил бўлиб, инсонни эзгуликка, яхшиликлар қилишга ундайди”, -деб эътироф этади. (2.326б.).

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов ўзининг “Мактаб маънавияти ва миллий тарбия” номли монографиясида “Миллий ғурур-ўзининг ўзбеклигини англаш; ўз халқи анъаналари, маданиятини билиш даражаси; она тилида соф тўғри сўзлаш; ўзининг миллат фарзанди сифатидаги бурчларини англаши; халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш; миллий қаҳрамонларни ҳурмат қилиш ва уларга тақлид қилиш; ўзбек санъатига муносабати; умуминсоний муносабатларга муносабати; манқуртлик; миллий қадриятларга ҳурматсизликка салбий муносабат; аجدодлар ўғитига амалий вафодорлик”, деб таъкидлаган (5.57 б.).

Педагогика изоҳли луғатида “Миллий ғурур халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий ғурур туйғуси жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон тенглар ичида тенг бўлди. Эндиликда замини ҳосилдор, саховатли, меҳнаткаш, шон-шўҳрати юксак бўлган ўзбек халқини буту дунё тан олди. Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёти эрки, шаъни, қадр-қиммати муқаддас саналиб, улар давлат томонидан ҳимояланмоқда. Ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ўзгаришлар юз берди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Ғиждувоний каби улуғ боболаримизнинг руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби халқимиз

фарзандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати жойига қўйилди. Умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Юртимизга халқ севган Наврўз қайта кириб келди, Рамазон, Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Миллий ғурур туфайли динга муносабатимиз ўзгарди. Қуръони Карим, Ҳадиси шарифлар ҳаётимизга қайтадан мазмун бағишлай бошлади. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ривожланди” (2.327 б.).

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси Н.Воҳидова ва магистрант М.Абдулҳайвалар “Миллий ғурур руҳида тарбиялашда халқ қўшиқлари” мавзусидаги мақоласида бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини тарбиялашда халқ қўшиқларининг ўрнини педагогик жиҳатдан асосли равишда ёритган. (6.18-19 б.).

Аудиториядан ташқари машғулотлар касб-ҳунар коллежларидаги ўқув-тарбиявий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Аниқроғи бу жараён ўқувчиларнинг бўш вақтларини таълим-тарбия мақсадига мос равишда йўналтиришга хизмат қилади. Дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этилишига қараб, турли йўналиш, мазмун ва шаклларда олиб борилади. Жумладан: кечалар уюштириш, тантанали кунларни нишонлаш, мусобақалар, беллашувлар, мушоираларни уюштириш; саёҳатлар ташкил этиш: а) табиат қўйнига; б) тарихий жойларга ва музейларга; в) ишлаб чиқариш корхоналарига, турли шаҳарларга, зиёратгоҳларга; г) атоқли шоир, ёзувчилар ижодига бағишланган тадбирлар; викторина, диспутлар ташкил этиш; меҳнат ва уруш фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказиш ва ҳ.к. Аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ўқув машғулотлари, дарс юкламалари, ўқув дастурларидаги мавзулар, боблар, бўлимлар мазмуни билан боғлиқликда ҳар бир ўқув ҳафтаси, ойлик, йиллик босқичларга мос ҳолда ташкил этилса самарали натижа беради. Аудиториядан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг дарсларда олган билимларини кенгайтиришга, бойитишга ва мустаҳкамлашга олиб келади.

Аудиториядан ташқари машғулотлар мавзулари, режалари ҳар бир курсда алоҳида тузиб олиниб коллежнинг ўқув методик кенгашида муҳокама этилади. Коллеж маъмурияти, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари билан келишилади. Аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирларни ўтказишда ўқувчиларга гуруҳ раҳбарлари ташаббускор бўлишлари ва раҳбарлик вазифасини ўташлари лозим. Ўқитувчи ёки гуруҳ раҳбари тарбиявий тадбирни режалаштиради, ҳар бир иштирокчининг ўрнини, вазифасини аниқ белгилаш лозим. Тадбирнинг мақсади амалга ошириш босқичлари, уларни амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар,

моддий-техник жиҳатдан таъминланиши, услубий материаллар ва зарурий йўриқномалар билан таъминланиши керак.

Аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирларнинг мақсадини белгилашда, унинг тарбиявийлик, ижодкорли, ривожлантирувчилик томонларига эътибор бериш талаб этилади.

Қуйида биз қадимий ва ҳамиша навриқон Шарқ гавҳари бўлган Самарқанднинг Регистон майдонига қилинган саёҳат таҳлили ишланмасини келтирамыз:

Регистон майдонига қилинган экскурсия таҳлили

Мақсад: Педагогика коллежи ўқувчиларига Самарқанднинг “юраги” бўлган Регистон майдони тўғрисида тушунча бериш ва уларда миллий тарихимизга, миллий меъморчилигимизга бўлган эътиқодж ва меҳр-муҳаббатни шакллантириш. Регистон-Ўзбекистоннинг бир бўлаги эканлигини, она юрт, Ватан туйғусини тарбиялаш ва бу муқаддас жой билан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини тарбиялаш.

Экскурсияга педагогик коллежининг барча курсларида таҳсил олаётган ўқувчиларни олиб бориш мумкин.

Экскурсиянинг мақсади:

1. Регистон майдоний тўғрисида тушунча бериш
2. Экскурсия бошловчисининг кўрсатмаси билан Регистон майдонидаги тарихий обидаларни томоша қилиш.
3. Экскурсия бўйича савол-жавоблар ўтказиш.
4. Экскурсия бўйича альбом тайёрлаш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Экскурсияга борган ўқувчиларга қуйидаги тушунчалар берилади:

XVII аср меъморчилик соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Шу жумладан, Самарқанднинг Регистон майдони ўша даврда шаҳар ҳокими бўлган Ялангтўш Баходир томонидан бир қатор меъморчилик қурилишлари амалга оширилди. 1619-1635 йиллирда вайрона ҳолатига тушиб қолган Регистон майдонида Улуғбек мадрасаси қаршисида Шердор мадрасаси, унинг ёнида 1646-1659 йилларда Тиллакори мадрасаларини ўз маблағи ҳисобидан қурдирган. Регистон ансамбли ўзининг ранг-баранг кошинкор безаклари, нақшинкор пештоқлари ва улкан гумбазлари билан Марказий Осиё минтақасининг ноёб тарихий ёдгорлиги бўлиб, бугунги кунда жаҳон сайёҳларининг эътиборини тортмоқда.

Регистон майдонининг қиёфаси Амир Темури ва темурийлар даврида ўзгача қиёфа касб этади. Айниқса, Мирзо Улуғбек дарида Самарқандни обод қилишга етарлича эътибор берган. Унинг даврида Регистон майдони қайта шаклланди десак муболаға бўлмайди. Бу ерда мадрасадан ташқари пештоқли

ва улкан гумбазли хонақоҳ, карвонсарой деворидан тортиб устунлари ўймакор ёғочлардан ишланган. “Масжиди муқатта” қурилган. Икки юз гумбазли “Кўкалдош” жоме масжиди қад кўтарган. Шунингдек, бу ерда барпо этилган “Мирзои” ҳаммоми ва карвонсарой бўлган. Бу ерда хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар туришган. Улардан фақат бизнинг давримизгача Улуғбек мажрасаси сақланиб қолган. Бу мадраса 1417-1420 йилларда қурилган бўлиб, меъморчилик жиҳатидан бошқа бинолардан ажралиб туради. Мадрасада диний ва дунёвий билимлар ўқитилган. Бу мадраса икки қаватли, эллик хужрали бўлган. Ҳар бир хужра уч хонага, яъни қазнок (омборхона), ётоқхона ва дарсхоналарга бўлинган. Маълумотларга қараганда ушбу мадрасада юз нафардан ортиқ илми-толиблар таҳсил олишган.

Хонақоҳ мадрасанинг Шарқ томонида қурилган. Ушбу хонақоҳ табиий офатдан зарар кўриб бузилиб кетган. Унинг ўрнида Ялангтўшбий Баҳодир томонидан Шердор мадрасаси қурилган. Мадраса тарихи тўртбурчак, икки қаватли. Бош тарзининг икки қанотида қовурғали гумбаз ва маноралар жойлашган. Пештоқ равоғи ичкарасидаги кошинкор безаклар ораси оқ ҳарфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган. Қанотларидаги қизғиш зарҳал тусли шер оқ оҳуни қувламоқда. Қуёш. Бодом, қовоқ, қийиқ кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду билан ҳошияланган. Мадрасанинг номи шу тасвирдан келиб чиққан. Бинонинг серҳашамлиги шу пештоқда ифодаланган. Пештоқнинг иккинчи томонида гумбазли дарсхона ва масжидлар жойлашган. Ҳовли атрофидаги икки қаватли хужралар (54 та) нинг олди равоқли айвон. Айвонлар ёзда дарсхона вазифасини ўтаган.

Тиллақори мадрасаси Улуғбек даврида қурилган. Мирзои карвонсаройи ўрнига шаҳар ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир мадраса ва жоме масжидни қурдирган (1641-1646). Карвонсарой асосий устуни мадраса, хужралар ўрнида пештоқ гумбазли масжид жойлашган. Дастлаб “Ялангтўшбий кичик мадрасаси” деб номланган. Кейинчалик масжид беагида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун “Тиллақори” (Тилладан ишлов берилган) деб юритила бошланган. Тиллақори мадрасасидан шаҳар жоме масжиди ва мадрасаси сифатида фойданилган. Шунинг учун масжиди (63x22) катта ва серҳашамлиги билан ажралиб туради. Мадраса (70x70м)га ғарбий пештоқ орқали кирилади. масжид хонақоҳи (10,8x10,8)нинг гумбази, баланд, узокдан кўзга ташланиб туради. Унинг гумбази ниҳоясига етказилган. Хонақоҳ тўрига мрамардан меҳроб ва зинопояли минбар ишланган.

Тиллақори мадрасаси бир неча марта таъмир қилинган. 1817 йилда амир Ҳайдар буйруғи билан, зилзиладан зарар кўрган пештоқи қайта тикланиши

жараёнида шакли бузилган. 1885 йилдаги таъмирлаш вақтида залҳал нақшлар, оддий бўёқлар билан алмаштирилган.

Тиллакори мадрасасидаги йўқолиб кетаётган ноёб зуҳал нақшлар усталар томонидан ўрганилиб, 1970 йилда қайта таъмирланди, бинокорлар мадрасанинг Регистонга қараган пештоқини Шердор мадрасаси ва Улуғбек мадрасалари билан мослаштириб қайта қуритган. Тиллакори мадрасасида музей ташкил этилган. Ҳозирги кунда Регистон майдони маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар учун гавжум жойлардан бирига айланган. Бу ерда 1997 йилдан бошлаб “Шарқ тароналари” анънавий Халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда. Бу тарихий жой билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Регистон халқимизнинг, миллатимизнинг фахрига айланган жой. Самарқанддаги барча йўллар Регистонга олиб боради. Бу йўллар мозийни бугунги доруломон кунлар билан боғлаб турибди.

Мустақил бажариш учун топшириқлар:

1. Регистон сўзининг луғавий маъносини луғатлардан топиб ўрганиш;
2. Регистон майдони қайси ҳукмдор даврида шаклланган?
3. Улуғбек мадрасасида қандай фанлар ўқитилган?
4. Шердор ва Тиллакори мадрасалари тўғрисида нималарни биласиз?
5. “Самарқанд-фаҳрим менинг” мавзусида иншо ёзиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 176 б.
2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изхоҳли луғат. Т.: Fan va texnologiya. 2009. 672 б
3. Самарқанддан таралган жаҳонга Шарқ тароналари. Т.: “Наврўз”. 2013. 69 б.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиялари 8-, 10- жилдлар. -44, -45, -431, -435 б.
5. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т.: “Фан”. 1995. 127 б.
6. Воҳидова М., Абдулҳаева М. Миллий ғурур руҳида тарбиялашда халқ кўшиқлари//Бошланғич таълим. 2010, 2-сон, 18-19 б

*А.Абдуманнотов СамДУ доценти
Ж.Худойқулов СамДУ магистранти*

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШДА АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти. “Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган Республика илмий-амалий конференция материаллари. “Ўқувчи шахсини

ривожлантиришга йўналтирилган таълим: дастлабки натижалар, муаммолар
истикбодаги режалар”. Самарқанд 2015 йил 29 апрель. 91-95 бетлар.